

СУВ КЕЛТИРГАН

АЗИЗ

«Навоийсувкурилиш» акциядорлик

жамиятига қарашли 1-механизациялаш-

ган кўчма жамланма бунёдкорлари

якин кунларда «Уртачўл» массивида

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

8 июн пайшанба

<u> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>



Сотувда эркин нархда Nº 109 (2406)



Хамкорлик

ХАЛКАРО АНЖУМАН

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Фавкулодда вазиятлар журналистикаси» мавзудаги илмий-амалий семинар ўз ишини якунлади. Анжуанни Халқаро Қизил Хоч қумитасининг Узбекистондаги ваколатхонаси билан университетнинг журналистика факультети ташкил этди. Анжуманда, шунингдек, фавкулодда холатлар хакидаги материалларни тайёрлаш, ахолини бу ҳақда хабардор қилишнинг ахлоқий муаммолари теварагида фикрлашиб олинди. Семинар иштирокчилари хорижий хамкасбларининг тажрибалари билан ўрток-

KYNOUNUK

ЖАХОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Тошкент шахрида яна бир ёпик сузиш хавзасини барпо этишга киришилди. «Юнусобод» теннис клуби худудида барпо этилаётган бу иншоот жахон стандартлари талабларига тўла жавоб беради. Уни шу йил декабр ойида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

((Fanna - 2000))

ЎРИМ-ЙИГИМ МАСЪУЛИЯТИ

Жиззах вилоятида бу йил 218 минг гектар майдонда мўл ғалла хосили етиштирилиб, ўримга хар томонлама пухта тайёргарлик билан киришилди. Айни вактда Ғаллаорол, Жиззах, Дўстлик туманларида пишиб етилган арпа уюшкоклик билан ўриб-йигиб олинмокда. Мавсумга 156 та "Кейс" ва қарийб 500 та бошқа русумдаги комбайн бир ярим мингга якин автомашина, 1 минг 237 та тележка ва бошка техника жалб этилган.

Ташаббус

МИЛЛИОНЕР МАКТАБ

Самарқанд вилоятида мактабларга ёрдам беришнинг янги усулига кўл уришди. Пайарик тумани "Пахтакор" жажалигидаги 15-ўрта мактабда вилоят мад лари хамда халк таълими бошкармалари хамкорликда хайрия концерти уюштирди. Ундан тушган маблаг мактабнинг махсус хисоб ракамига ўтказилди.

Концерт пайтида "Пахтакор" жамоа хужалиги хамда вилоят халқ таълими бошқармаси мактабга беш юз минг сўмдан маблаг ажратганини маълум қилди. Бу маблаг хам мактабнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш, спорт ва согломлаштириш ишларини кучайтириш, ўкувчиларни моддий рагбатлантириш учун сарфланади.

Маьнавият

ЎКУВ МАРКАЗИ КЕНГАЙМОКДА

Андижонда ёшлар ўртасида ўтказилган сўровнома ишсиз йигит-қизларнинг кўпчилиги хунармандчилик сирларини, тикувчиликни ўрганишга иштиёкманд эканликларини кўрсатди. «Манзур» кичик корхонаси негизида ўкув маркази ташкил этилди, у ерда нафакат Хонобод шахри ёшлари, балки Қурғонтепа тумани қишлокларидан келган қизжувонлар хам хунар ўргана бошлашди.

Бу ташаббус қанот ёзди. Эндиликда Чимён, Султонобод, Норота каби қишлоқларда ҳам ўқув марказининг шохобчалари фаолият кўрсата бошлади

Таьлим

МУСТАКИЛ ФИКРЛАШ -ТАРБИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида ўрта мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун яратилган "Мустақил фикрлаш" ўқув қўлланмасини ўрганишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб

Муаллифлари В.Каримова, Р.Суннатова ва Р.Тожибоева бўлган ушбу қўлланма кириш, тўрт кисм, 12 бобдан иборат. Қулланмада буюк алломалар, таникли фан ва маданият арбобларининг ўгитлари, миллий ва уммумбашарий анъана ва қадриятлар хақида маълумотлар берилган. Хар бир мавзу, боб ва кисм нихоясида амалий топшириклар, ижодий тафаккурни ўстириш машклари, мустакил фикрлаш учун муаммоли масалалар келтирилган.

Экология

долзарь муаммо

Мамлакатимизда ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф-мухитни мухофаза килиш долзарб муаммолигича қолмокда. Утган йили Табиатни мухофаза қилиш давлат қумитаси ана шу муаммоларни баратараф этиш мақсадида 35 миллион сўм сарфлади. Бу йил эса бундай тадбирларга ажратилган харажатлар уч марта

> «Халк сўзи», ЎзА ва «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ MATEVOT XN3MATN XABAPN

Шу йил 6 июн куни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Харбий-Хаво кучлари қушилмаларидан бирида ўкув-машк парвозини бажариш пайтида харбий самолёт халокатга учради. Экипажнинг икки аъзоси халок

Махсус хукумат комиссияси тегишли текширув ишларини олиб бормокда



Шу билан бирга, улар «Қарнаб» сув тақсимлаш станциясини хам таъмирламокдалар. Бу юмушлар нихоясига етгач, 14 та насосдан фойдаланиш тўхталиб, оби-хаёт ўз йўналишида оқизилади. Натижада, тонналаб дизель ёнилгиси тежалади, ал-Бухорий номли ва Бобур номли ширкат хўжаликларининг сув таъминоти эса

СУРАТЛАРДА: «Карнаб» сув таксимлаш станциясида иш кизгин; ишбоши Хазрат Авезов ва эксковаторчи Муродулла Самандаров навбатдаги вазифаларни белгилаб ол-

> Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.



3KCNOPT - MUNNAT WABHN

ва ижро

Хўжалик юритиш сохасидаги фаолият натижаларини муайян вақтда якунлаганда қар бир рақам тарози палласига қўйилади, мусбат ва манфий ишоралар воситасида бахоланади. Айтайлик, хисобот даврида канча харажат сарфланди, олинган фойда салмоги қанча бўлди? **Г**алвир сувдан кўтарилганда алохида банд сифатида ёзиладиган яна бир кўрсаткич бор. Ўзини мустакил деб билган, дунёда муносиб ўрни бор деб хисоблаган давлатлар бу кўрсаткични тобора яхшилашга интилади. Гап чет мамлакатларга қанча микдордаги махсулот экспорт қилиниши хақида кетяпти.

керак.

Экспорт салмоги ошган сайин давлатнинг номи дунёга танилади, тушумдан келган қаттиқ валюта янги имкониятлар уфкини очади. Бу кўрсаткичфукаро айни пайтда чинакам ватанпарварлик бурчини бажарган бўлади Ана шу туйгу нафақат корхона рахбарларида, балки хар бир ўзбекистонлик қалбида жўш урсагина хаммамиз орзу қилган кунга

етамиз. Хўш, хозир мамлакатимизда экспортнинг холати кай даражада? Шуни айтиш керакки, бизда хорижий сармоядорлар учун хеч каерда йўк шароитлар яратилган бўлса-да. барибир, четга махсулот никариш бугунги талаб даражасида эмас. Ўтган йил якуни буйича экспорт хажми атиги 83 фоиз бажарилди. Албатта, кўнгилдаги натижага эришолмаганимизнинг сабаблари куп. Дунё бозорида пахта ва олтиннинг бахоси бекарор булганлиги хам таъсир этди, албатта. Лекин асосий айб ўзимизда: ташқи иктисодий фаолият марке-

тинги, четга махсулот чикаришга хизмат киладиган тизим пухта ишланган эмас. Экспортни яхшилаш учун, аввало, махсулот ракобат талабларига Фармон сўнгра харидори тайин булиши

Президентимиз мустакилликнинг илк давридан бошлаб четга махсулот чикариш учун хар бир рахбар, мутахассис жон куйдириши лозимлигини уктириб келадилар. Мамлакат иктисодий сиёсатини ишлаб чикиш жараёнида куйидаги фикрлар алохида янграганди: «Бизда экспортни кескин ошириш имконияти борми? Ха, бор. Бунинг учун биз, даставвал, кимматли хомашёни кайта ишлаш асосида тайёр махсулот ишлаб чикарадиган кушма корхоналарни ривожлантиришимиз, чет эллик шерикларимиз билан замонавий ихчам корхоналар ташкил этиб, уларни биринчи навбатда мехнат ресурслари ва хомашё манбаларига авваламбор, кишлок жойла-

рига якинрок жойлаштириши-

миз керак. Бу корхоналарнинг барчаси одатдагидек илгор технология билан жихозланиши, рақобатга бардошли махсулот ишлаб никариши даркор». Бу кўрсатмалар ўз самарасини берди, албатта. Лекин тараккиёт бир

жойда тўхтаб турмайди. Мамлакат рахбарияти экспорт салохиятини ошириш учун тинмай ғамхўрлик қилиб келяпти. Куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт махсулоти

ишлаб чиқарувчиларни рагбатлантириш борасидаги кушимча чоратадбирлар тўгрисида»ги

Фармони хам ана шу гамхур ликнинг, бу мухим ишнинг давлат томонидан құллабкувватланаётганининг яккол намунасидир. Фармонда барча шакллардаги экспорт қилувчи корхоналар махсулотни эркин алмаштириладиган валютага сотса, ундан тушадиган даромаллар фойда солигидан озол килиниши айтилган. Энди экспортдан олинадиган даромадлар алохида хисобкитоб килинади. Фармоннинг бошка бандларида хам четга махсулот юборувчиларга қатор қулайликлар яратили-

ши хакида сўз кетади. Бу ўринда экспорт салохиятини ошириш учун ички имкониятларимиз бехисоб эканлигини таъкидламокчи эдик. Мисол дейсизми? Мархамат. Шу йил бахорда

Фаргонада бир ажойиб ташаббус қанот ёзди. Қўқон шахридаги «Толзор» махалласи фаоллари бу йил 7,5 тонна мева уругини териб шахардаги ёг-мой комбинатига топширишга ахд килишди. Гап шундаки, мазкур корхона йилига 2350 тоннагача ўсимлик ёги ишлаб чикариш кувватига эга. Шу пайтгача хомашё тақчиллиги туфайли соя донидан ёг олинмокда. Соя дони эса четдан импорт қилинади. Қўқонликлар махаллий ресурсларни ишга солиш хисобига икки максадни кўзлашган: биринчиси, четдан долларга соя дони келтирилмайди. иккинчиси, ўсимлик ёги Франция, АҚШ, Германия, Саудия Арабистони, Хиндистон, Россия каби мамлакатларга экспорт килинади. Куни кеча «Толзор» махалласи фаоллари ташаббусини Кукон шахар хокимлиги

«Толзор»ликлар бу ибратли харакат мамлакат микёсида кулоч ёйишини истайдилар. Уларнинг камтарона хисоб-китобларига кура, камида 10 минг тонна шифобахш ёг четга сотилса, давлат хазинасига 48 миллион АҚШ доллари келиб тушади. Бу биргина ички имкониятларни ишга солиш хисобига эришиш мумкин бўлган кўрсаткич. Президент Фармонини изчил бажариш учун барча сохаларда бирдай харакат қилсак, қандай натижаларга эга бўлишимизни тасаввур этиш кийин эмас

қуллаб-қувватлади.

Шухрат ЖАББОРОВ.

Узбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Узбекистонда олимпия харакатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шахри (Австралия) даги XXVII олимпия ўйинларига тайёрлаш тўгрисида

Мамлакатда олимпия харакатини янада ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг Сидней шахри (Австралия)даги XXVII Олимпия ўйинларида муваффакиятли иштирок этишларини рагбатлантириш максадида, шунингдек, Ўзбекистоннинг халкаро обрўсини мустахкамлашда, ёш авлодни миллий гурур ва Ватанга садокат рухида тарбиялащда ўзбек спортчилари эришган ютукларнинг гоят катта ахамиятини эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон Миллий Олимпия Кўмитаси Халкаро Олимпия Кумитаси томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг расмий вакили деб хисоблансин.

2. XXVII Олимпия ўйинларида совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини рагбатлантириш, Ватанимизнинг спортдаги шон-шухратини кўпайтиришга улар қўшган муносиб хиссани эътироф этиш максадида, куйидаги микдорларда бир йўла бериладиган мукофотлар белгилансин:

ОЛТИН медал учун 100 000 АҚШ доллари; кумуш медал учун 50 000 АКШ доллари;

бронза медал учун

25 000 АКШ доллари. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир хафта муддатда Ташки иктисодий фаолият миллий банки билан бирга юқорида кўрсатилган пул мукофотларини тўлаш тартиби тўгрисида Вазирлар Махкамасига таклиф-

лар киритсин. 3. Узбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси XXVII Олимпия ўйинларига бағишланган лотереяни ўтказишдан олинган даромад (фойда) солигини тўлашдан озод қилинсин, бунда тушган маблаглар XXVII Олимпия ўйинларига Ўзбекистоннинг спорт делегациясини тайёрлаш хамда иштирок этишига максадли йўналтирилиши шарт:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон спортчиларини XXVII Олимпия ўйинларида қатнашишга тайёрлаш хамда иштирок этишларига йўналтирилган хомийлик маблаглари тегишли равишда даромад (фойда) солиғи ёки жисмоний шахсларнинг даромад солигини тўлашдан озод

килинсин: Узбекистон спорт делегациясини XXVII Олимпия ўйинларига тайёрлаш хамда ишучун аник максадни кўзлаб республикага олиб келинаётган махсус спорт ускуналари ва анжомлари, спорт либослари божхона туловларини тулашдан озод килинсин (божхона хужжатларини расмийлаштириш учун йигимлар бундан мустасно).

4. Вазирлар Махкамасининг истеъмол моллари ишлаб чикариш ва савдо комплекси Узбекистон Республикаси Давлат спорт кумитаси хамда Ўзбекистон Миллий Олимпия Кўмитасининг буюртмаси бўйича Олимпия ўйинларида ўзбек спортининг муносиб намояндалари бўлмиш Ўзбекистон спорт делегациясининг аъзолари учун махсус спорт кийими тайёрлаб берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси Узбекистон Миллий Олимпия Қумитаси XXVII Олимпия ўйинларига тайёргарлик даврида олимпия терма жамоаларига республиканинг барча спорт базаларида, улар қайси идорага қарашли булишидан қатыи назар, ижара ҳақи тўламасдан ўкув-машк машгулотларини ўтказиш хукуки берил-

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, "Узбеккино" давлат-акционерлик компанияси, "Ўзтелерадио" компанияси, Узбекистон Миллий ахборот агентлиги XXVII Олимпия ўйинларида республиканинг маданият ва спорт сохасидаги ютукларини тарғиб килиш учун матбаа ва киновидео махсулотлари тайёрлашни, шунингдек. Узбекистон терма жамоаларининг Олимпия ўйинларига тайёргарлиги хамда иштирокини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъмин-

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор прок этишини таъминлаш қабул қилсин

Узбекистон Республикаси Президенти

и. КАРИМОВ

Тошкент шахои. 2000 йил 7 июн.

ТИГИЗ ПАЛЛА

Айни пайтда донни қайта ишлаш корхоналарида иш қизғин. Жиззах vн жамоа корхонаси бvгунги кунда вилоят ахолисининг ана шу махсулотларга бўлган талабини қондиришда етакчи ўринни эгаллайди. Хозир бир кеча-кундузда 50 тонна атрофида дон қайта ишланмокда

Корхона бу йил Жиззах тумани галлакорлари билан 28490 тонна, Фориш тумани билан 1420 тонна, шахардаги «Жиззах» ширкатлар уюшмаси билан 310 тонна дон кабул килиш юзасидан шартно-

А. СОДИКОВ, Жиззах вилояти.

Аннан Сулаймон ороллари-да давлат тўнтариши юз

• АҚШ президенти Билл Клинтон Япониянинг собик бош вазири Кэйдэо Обутини дафн қилиш маросимида иштирок этиш учун Токиога

• Молдова президенти Молдова президенти Петр Лучински расмий таш-риф билан Хитойга келди. У ташриф доирасида XXP ра-иси Цзян Цзэмин билан икки давлат ўртасида савдо-икти-содий алокаларни ривожпантириш масалалари бора сида музокара ўтказади

 Германия канцлери Гер-хард Шрёдернинг Литвага ташрифи бошланди. У мамлакат президенти Валдас Адамкус ва бошка рахбар-лар билан музокара ўтказа-

• Индонезиянинг Сумат ра оролида зилзиладан та-пафот курганларга халқаро инсонпарварлик ёрдамлари кела бошлади. Жумладан, Япония ва Сингапур табиий офат содир бўлган худудга шифокорлар, тиббий асбобускуна ва дори-дармон жунатди. АҚШ эса инсонпар-варлик ёрдами курсатиш учун 25 миллион дол. ратди.

Финляндия президенти Таря Халоненнинг Россияга расмий ташрифи бошланди.
У ташриф доирасида прези-дент Владимир Путин хамда Бош вазир Михаил Касянов биден жиромана.

БМТ Хавфсизлик кенга-ши Конго Демократик Рес-публикасида сўнгги кунлар-да юз бераётган куролли

 Грецияда Болқон мин-тақаси мамлакатлари ташқи тақаси мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг уч күнлик анжумани бошланди. Жануби-шарқий Европа ба-рқарорлиги пакти доираси-да ұлбания, Руминия, Ита-лия, Хорватия, Черногория, Македония, Туркия, Венгрия, мезбон мамлакат ва халқа-ро ташкилотлардан вакил-лар иштирок этмоқда.

• Грузияга ташриф буюрган Европа кенгашини ган Европа кенгашининг ин-сон хукукларини химоя килиш буйича комиссари Ал-варо Хил-Роблес мамлакат парламенти рахбари Зураб Жвания билан учращди. Му-зокарада Абхазия можаро-сини тинч йул билан хал килиш ва коукиндариш кай пар мухокама қилинди.

шундай обрули ва нуфузли са-1. Мустакиллик даврида олдимизга күйган максадларга кай даражада эриша

олдик, деб ўйлайсиз? 2. Мустакиллик туфайли шахсан Сизнинг хаётингизда ва фаолиятингизда кан-

дай ўзгаришлар юз берди? Ватанимизнинг келажаги ва олий максадлари нуктаи назаридан бугунги ишларингиздан кўнглингиз тўладими? 3. Сизнингча, янги аср бўсагасида Ўзбекистоннинг нуфузини янада ошириш учун

нималарга эътибор бериш керак?



суровномаси

Мухаммад АЛИ, Узбекистон халк ёзувчиси

1. Озод Ватан рутбасини олиб, кукрагимизга хурлик насими текканидан сўнг, табиийки, олдимизга улкан мақсадлар күйдик. Бу эзгу максадлар шу қадар махобатли, улугки, улар хакида наинки биз, балки хали келажак замонлар хам гапирмоги, шубхасиз. Уларни амалга ошир-

REFERENCES CONTROL OF THE SERVICE STATE OF THE PROPERTY OF THE

мок учун бизга чинакам завкли мехнатга қоришиқ жўшкин ва хаётбахш йиллар керак.

Олдимизга қуйган улуғ мақ-садларнинг энг улуғини Ўзбекисгон Республикаси Президенти Ислом Каримов белгилаб берди: Узбекистон келажакда буюк давлат бўлади! Жахон майдонига ташланган бу шиор ўзининг бутун залвори билан халкимиз юрагида, дўстлар кўнглида акссадо берди, дилларга илхомлар солди, шижоатлар жойлади.

Эсимда, рахматли падари бузрукворим Ахмадкул сўфи Бекназар ўгли насихат килганпарида, доим: «Ниятни катта килингиз, ўглим!» дер здилар. Бу, умуман, боболаримиздан қолган хикматдир. Халкимиз хам ниятни катта килди, «Узбекистон - келажаги буюк давлат!» шиорини ўзига байрок килиб олди ва шу йўлда дадил кадам

Узбекистон рахбарияти му-

раккаб шароитда мамлакатни

Мустакиллигимизнинг ликдир. дастлабки кунлариданок магистрал йўллар курилишига катта эътибор бериб келинмокда. Магистрал йўллар қуриш, таъбир жоиз бўлса, буюк давлат фазилатларидан бири. Умумий узунлиги 565 километрни ташкил киладиган Навоий — Учкудук Султон Увайс - Нукус хамда Fy-

ўша кутлуг манзилларга элтиш-

да жахон тажрибаларидан до-

нолик билан фойдаланиб, иш

олиб бораётгани хайратланар-

зор – Бойсун – Кумкўргон темир йўлларининг бунёд этилиши мамлакат ичида транспорт катновини арзонлаштиришда, иктисодий ривожланишда ахамияти катта. Камчик довони узра ўтадиган йўлни қуриш нихоясига етиб колди. Автомобиль саноатини буюк давлатлар кисмати дейиш мумкин, уни бели бакувват давлатларгина руёбга чикара олади. Мустакил Узбекистон Асакада автомобиль заводини бунёд этиб, жахонда

ноатни ривожлантиришни йўлга куя олган давлат макомига эрищди. Жахон шароитида ёш мустакил давлатнинг шундай кутлуғ ишга дадил қул уриши мақтовларга сазовор бир кадамдир. Маънавият сохасида олдимизга қуйган мақсадларға кел-сак, бу ерда бемалол катта ютуқ-

ларга, туб ўзгаришларга эриш-дик, деб айта оламиз. Ха, Президент Ислом Каримов рахнамолигида Ўзбекистон маънавият ва кадриятларни тиклашда, она-тарихни англаб етишда том маънода инкилоб ясади, дейиш Чиндан хам, тарих хотираси буюк ва мукаддас, у мил-латнинг улуг тарбиячисига ай-ланиб бормокда. Айникса, Амир Темур ҳақиқатининг тикланиши миллат ва Ватан такдирида монанди йўк ходиса бўлди. Бугун биз буюк бобомизни шўролар даврида ёзганларидек беписандлик билан «Темур» деб эмас, балки Ватан ва миллат такдирида улуғ хизмат қилган, жахон тарихи гилдирагини шиддат билан олға сурган Инсонга хурмат ва иззат кўргизиб, ардоклаб «Темурбек» деймиз, «Амир Темур Кўрагон хазратлари» деб улуглаймиз. Бундан ўттиз йиллар мукаддам Амир Те-

мур номи катагон этилган пайт-

ларда, у хакда шеърлар, «Гум-

ни ёзишга журъат этган камина учун эса бу бамисли Оллохнинг мархамати ва иньоми каторидадир. Тан олиш керакки, бундай кутлуг күнлар келишини ўша пайтлар лимизга хам келтира олмас алик, албатта 2. Мустакиллигимиз ту-

файли менинг шахсий хаётимда жуда катта ўзгаришлар содир бўлди, уларни ўкувчиларимиз хар холда биладилар. Шундай бўлса ҳам, саволга жавоб бериш зарур. Мустакиллигимиз туфайли «Узбекистон халк ёзувчиси» нвонига эга бўлдим. «Сарбадорлар» тарихий романим икки марта нашр этилди, «Сайланма» асарларим бир жилдда босилиб чикди, «Ошик бўлмай, Хак дийдорин кўрса бўлмас» публицистик китобим ўкувчилар қўлига етиб борди. Америка Кушма Штатлари, Хиндистон, Франция каби мамлакатларга ижодий сафарлар килдим. АКШга сафарлар самараси ўларок, «Мен курган Америка» китобим ёзилди. Китоб бу йил «Шарқ» концерни томонидан чоп этилади

(Давоми 2-бетда).

истиклол Берган САОДАТ

Нуриддин ОЧИЛОВ, вилоят хокими ўринбосари:

 Она юртимиз Ўзбекистон худудида қадим-қадимдан турли халқлар биродарларча яшаб келганликларини тарихдан яхши биламиз. Хусусан, Бухоро тарихига назар ташласак, бу заминда минг йиллар илгари ҳам ўзбек, тожик, яҳудий миллатига мансуб кишилар яшагани, кейинчалик эса бошқа ўлкалардан яна ўнлаб миллат вакиллари турли сабаблар билан кўчиб келганининг гувохи бўламиз.

Олис ўтмишда Бухоро хонлигининг Шарқ мамлакатлари билан иктисодий ва маданий алокалари. якин ўтмишда эса чор империяси ва шўро давлатининг халкларни бир ердан бошқа ерга кўчириш сиёсати юртимизнинг демографик қиёфасини ўзгаришига сабаб бўлган. Тарихий ходисалар халклар лар мунтазам бериб борилаётганитакдири учун муайян ахамият касб дан гоят хурсанд булдилар. Уз нав-

этиши табиий. Бундан қатъий назар, бугун Узбекистонда туғилиб, шу юртнинг фукароси бўлган хар бир миллат вакили учун юртимиз муқаддас Ватан хисобланади. Бу хакда Бухоройи Шарифнинг 2500 йиллигига бағишланган юбилей тантанасида Юртбошимиз шундай деган эдилар: «Бухоро ва бухороликларнинг яна бир катта ютуги шундаки, бугун бу табаррук заминда турли миллату динга мансуб

кишилар — тожиклар, туркманлар, руслар, яхудийлар, қозоқлар, корейслар, арманлар ва бошка ўнлаб миллат вакиллари ўзбеклар билан бирга қўлни қўлга бериб дўстона, ахил, хамкор ва хамжихат бўлиб яшамоқдалар». Бу сўзлар азалдан байналмилал замин сифатида ном чикарган Бухородаги бугунги миллатлараро тотувликка хам берилган юксак баходир.

Истиклол шарофати туфайли ҳар бир миллат ўзлигини таниб, азалий қадриятларини тиклаш имкониятига эга бўлди ва миллатлараро низога сабаб бўлувчи хар қандай тушунмовчиликлар бархам топ-

Миллатлараро тотувликни тобора мустахкамлаган холда Ўзбекистон халкининг пировард максади бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт яратиш учун фидойилик, юксак ватанпарварлик намунасини кўрсатиш хар биримизнинг қалб амримизга айланмоғи керак. Президентимиз шу йил Оқсарой кароргохида файласуф, тарихчи, сиёсатшунос социолог, психолог, педагог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан ўтказилган йигилишда биз учун рухий-маънавий кучувват маноаи, илмии асос — оу миллий гоя, миллий мафкура бўлиши шарт эканлигини яна бир бор

таъкидладилар. Бухоро вилоятида яшаётган 80 га якин миллат ва элат вакиллари юртимизда юритилаётган ички ва ташки сиёсатни якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, ватанпарварлик рухи билан сугорилган миллий мафкура атрофида бирлашишга тайёр эканликларини намоён этмокдалар.

Айни вақтда вилоятимизда ўзбеклар билан бирга 51300 дан ортик тожик, 35000 дан ортик рус, 24300 дан зиёд қозоқ, 8800 дан ортиқ туркман, 2000 дан ортик турк, 2000 дан ортик яхудий ва яна бир канча миллат ва элатлар ахил-инок яшаб келишаянти. Иктисодий ва ижтимоий, маданий ва маънавий-маърифий сохаларда амалга оширилаётган ишлар хам, энг аввало, кўп миллатли халкимизнинг умуммиллий манфаатларини химоя килишга, яъни, танлаган йўлимиздан адашмай, обод, фаровон хаётга эришишни таъминлашга қаратилгандир.

Вилоятда энди йўлга кўйилаётган, хар ойнинг биринчи жума куни ўтказилаётган «Маънавият ва маърифат ўкуви куни» эса бевосита мафкура сохасига тааллукли бўлиб, у барча мехнат жамоалари, ўкув юртлари, жамоат ташкилотлари, худудий тузилмаларда ишлаётган. ўқиётган, фаолият кўрсатаётган. яшаётган фукароларни ягона миллий мафкура остида янада мустахкамрок жисплаштиришга, одамлар онгига умуммиллий, умуминсоний гояларни сингдиришга хизмат қилади. Бухорода ўндан зиёд миллиймаданий марказлар фаолият кўрсатмокда. Уларга бирлашган миллатлар вакиллари ўз такдирларини, фарзандлари келажагини ўзбеклар билан бирга чамбарчас холда кўрадилар. Зеро, «шу азиз Ватан барчамизники» деган канотли ибора уларнинг хам қалбидан ўрин олганлигига шак-шубха йўк.

КАРДОШЛИГИМИЗГА РАХНА ТУШМАСИН

Исо РАЖАБОВ, вилоят тожик миллий-маданий раиси:

- «Яратганнинг ўзи ўзбек билан тожикнинг лойини бир жойдан қорган... Ўзбек билан тожик икки тилда гапирадиган бир халқ» — Юртбошимиз Ислом Каримов айтган бу сўзлар нақадар хаётий эканига 1998 йили ёзда мамлакатимизда ўтказилган Тожикистон Республика-

Илдизлари теран дарахт

си кунларининг иштирокчилари вилоятимизда бўлганларида яна бир бор ишонч хосил қилганмиз. Уларни вилоятимиз ахли очик чехра ва катта мехмоннавозлик билан кутиб олди, учрашувлар улкан маънодаги қардошлик байрамига айланиб кет-

Тожикистонлик мехмонлар «Офтоби суғдиён» миллий-маданий

БУХОРО

марказимиз фаолияти билан танишиб, Бухоро давлат университетида тожик филологияси бўлими, вилоятда тожик мактаблари ва синфлари ташкил этилганидан, тожик тилида «Бухорои Шариф» хафталик газетаси нашр этилаётганидан, телекўрсатувлар ва радиоэшиттириш-

батида бу учрашувларда барча бу-

хороликлар Тожикистонда тинчлик,

биродарлик рухи карор топса ва

миллий сулх ўрнатилса, бу нафакат

тожиклар ва ўзбекларнинг бахту са-

одати, порлок келажаги учун, балки

якин ва узок кўшни халклар учун

хам кенг маънода хизмат килажа-

Ислом байроги остида Афгонис-

тонда олиб борилган биродаркуш-

лик урушининг дахшатларини мен

ўз кўзим билан кўрганман. Ана шун-

гини изхор этдилар.

дай қирғин-барот жанг-

ларни Марказий Осиё-

га ҳам киритиб, халқлар

бошига кулфат ва фо-

жиалар келтиришга

уринган жиноятчи тўда-

ларнинг Ўзбекистонда

пойи киркилгани халки-

мизнинг ўз танлаган

йўлидан қайтара олади-

ган хеч кандай күч

Узбекистонда яшаёт-

ган барча халклар қато-

ри тожиклар хам бизга

она-Ватан бўлган за-

минни, унинг тинчлик

қуёши порлаб турган

мусаффо осмонини хар

кандай кучлар ва ёт

доктори, профессор:

ғоялардан химоя қилишга тайёр

БОБОЛАРИМ

РУХИ БОР ДИЁР

Мамедкули МУСТАФОЕВ, ви-

Бугун биз мустакилликнинг

лоят туркман миллий-маданий

маркази раиси, тарих фанлари

тўққизинчи йилига қадам қўйдик. Шу

йўклигини тасдиклади.

вилояти:



шимиз Фармонларига асосан «Дўстлик» ордени билан мукофотландилар. Ушбу мукофотланганлар орасида менинг хам бўлганлигим халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустахкамлаш учун астойдил интилаётган марказимиз хизматининг эътирофи, деб би-

Вилоятимизнинг Бухоро туманидаги «Янги турмуш», Қоровулбозор туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжаликларида хамда туркманлар зич яшаётган бошқа жойларда бу миллат вакиллари барча ўзбекистонликлар билан инок ва тотув яшаб, республика истиклолини мустахкамлашга, унинг иктисодий кудратини оширишга муносиб хисса қўшмокдалар.

Уларнинг миллий-маланий эхтиёж-

лари тўлик кондирилмокда. Якинда

Бухорога ташриф буюрган Туркма-

нистон олий ўкув юртларининг рах-

ларни тест синови асосида қабул

қилиш тажрибасини катта қизиқиш

билан ўргандилар. С. Айний номи-

даги Бухоро вилоят мусикали дра-

ма ва комедия театрининг Туркма-

нистонга килган гастроллари хамда

буюк туркман шоири ва мутафакки-

ри Махтумкули Фирогий таваллуди-

нинг 265 йиллигига ба-

гишлаб вилоятимизда

ўтказилган юбилей тад-

бирлари иккала респуб-

лика маданий хаётида

мухим вокеа бўлди. Бар-

ча туркман фукаролари

ўтказилаётган ислохот-

ларни чуқурлаштириш

ва жамиятнинг янгила-

ниши сохасидаги сер-

қирра фаолиятни тўла

қўллаб-қувватламоқда-

лар. Она диёримизнинг

гуллаб-яшнашида, халк-

дўстлик ришталарини

мустахкамлашда ўзла-

миллатлараро

барлари мамлакатимизда талаба-

рига, балки ёрдамга мухтож яккаёлгиз махаллий қарияларни хам ўз оталигига олиб, уларни озик-овқатлар ва дори-дармонлар билан таъминлаб турибди. Немис халқининг миллий байрамларини нишонлаш, бу мамлакат маданияти ва санъати билан бухороликларни кенг таништириш, немис тилини ўрганиш курсларини ташкил этиш, ушбу хорижий тил ўргатиладиган умумтаълим мактабларига турли хил адабиётларни, аудио ва видеоматериалларни етказиб туриш ҳам марказ фаолиятида мухим ўрин ту-

Бухорода немис маданиятига кизикиш катта эканлиги мени хам доим рухлантиради. Чунончи, ўтган йили Бухоро давлат дорилфунунида буюк немис шоири Иоганн Гёте юбилейи катта маданий тадбир сифатида нишонланди, университетнинг немис тили бўлими талабалари шоир ижоди ҳақида унинг она тилида сўзлаганларида, бухоролик шоир Садриддин Салим ўзи немисчадан ўгирган Гёте шеърларини ўкиганида нихоятда

шодландим.

Германияда яшаётган немис миллатига мансуб баъзи рухонийлар орасида Накшбандия тариқатига кириб, бухоролик исломшунос олимлар билан ҳамкорлик қилаётганлари, Бахоуддин Нақшбанд зиёратгохига келиб-кетишлари хам умуминсоний гоялар миллат танламаслигини тасдиклаб турибди. Ўзбекистонимизнинг миллий мафкураси хам

умуминсоний гояларга мос бўлиши ва у барча халкларнинг хохиш-иродасини ифодалашига ишончим ко-

AANO AHOTR

Антон ЁКУБОВ, Бухоро яхудийларининг «Шолом» мил-

Ўзбекистон — кўп миллатли хосил киладилар.

рининг муносиб хиссаларини қўшмоқдалар. Муқаддас Ватан — Ўзбекистонимизи кўз корачигидек асраш, унга гард хам юқтирмаслик бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАРХУМЛАР **УНУТИЛМАЙДИ**

Ольга МЕЕР, вилоят немис миллий-маданий маркази раиси:



даврда мустакил Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштира бориб жамиятни янгилашда қисқа даврда асрларга тенг келадиган сиёсий, иктисодий ва маънавий юксалишни бошдан кечирди. Узбекистоннинг жахонга танилиши, ўзига хос хамда ўзига мос демократик хукукий давлат, фукаролар жамиятини барпо этиш йўлида астойдил олиб бораётган ҳаракати, халқчил, доно сиёсати, ўзбек халкининг миллий кадриятларининг тикланиши. хусусан миллатлараро хамкорлик ва дўстлик ришталарининг янада мустахкамланиши Юртбошимиз Ислом Каримовнинг фаолияти билан богликдир. Буни нафакат бутун ўзбекистонликлар, балки Бухоро вилоятида яшайдиган туркман миллатига мансуб бўлган ахоли хам бенихоя фахр ва юксак ифтихор билан тил-

Узбекистон мустакиллигининг 8 йиллиги арафасида бир гурух илгорлар кўп йиллик самарали мехнатлари, халқлар ўртасидаги дўстлик ва хамжихатликни мустахкамлашга күшган салмокли хиссаси хамда Ватан олдидаги муносиб

- Жангу жадаллар инсониятга не-не кулфатлар келтиришини иккинчи жахон уруши мисолида яққол кўриш мумкин. Фашизм келтирган бу офат немис халкининг хам кўпгина фарзандларини беватан этди. Урушда ҳалок бўлган ва асир тушган немис солдатларининг қабрлари олис-олисларда қолиб кетди. Уша тахликали йилларда Когон шахрида дафн этилган немис миллатига мансуб кишилар номларини аниклаш, бу қабристонни тартибга солишга кўмаклашиш вилоятимизда истиклол йилларида ташкил этилган немис миллий-маданий маркази фаолиятида мухим ўрин тутди. Германия Бундестаги депутатлари ва ГФРнинг Узбекистондаги элчихонаси рахбариятнинг бу ишни кўнгилдагидек бажарганимиз учун билдирган рахматномаси марказ фаолиятининг ўзига хос эътирофи бўлди.

Бухорода истикомат килувчи немис миллатига мансуб кишиларни ўз атрофига бирлаштирган марказимизнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шахар хокимлиги кўркам ва қулай бинони ажратган. Марказ нафакат эхтиёжманд немис оилала-

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

лий-маданий маркази раиси:

мамлакат. Унда миллий қадриятларни асраб-авайлаш учун барча шароитлар яратилган. Гохо-гохо Исроилнинг давлат арбоблари, АКШнинг яхудий конгрессменлари Бухорога келганларида махаллий яхудийлар дини, маданияти, урфодатлари кандай сакланаётгани тўгрисида суриштирадилар. Улар бу ердаги «Шолом» миллий-маданий маркази фаолияти билан танишиб. биз билан сухбатлашганларидан сўнг Ўзбекистонда, шу жумладан Бухорода барча миллатларнинг эркин ривожланиши учун ҳамма шартшароитлар мавжудлигига ишонч

Бухоро шахар хокимлиги марказимиз илтимосини хисобга олиб яхудийларнинг фарзандлари учун алохида мактаб ташкил этган. 200 га якин бола бу ерда умумтаълим фанлари билан бир каторда иврит тилини, яхудийлар урф-одатларини, маросимларини ўрганадилар. Кичик ёшдаги болалар учун алохида богча ташкил этилгани хам тарбияни анча илгари бошлаш имконини бермокда. Шахардаги барча яхудий болаларнинг хар йили ёзда Тошкент якинидаги оромгохларда дам олиши уларнинг саломатликларини мустахкамлашга хизмат килади. Марказимиз атрофига уюшганлар яхудийларнинг миллий байрамларини нишонлаш билан бирга Бухорода катта тантаналар билан ўтказиладиган Наврўз ва Мустакиллик байрамлари учун ҳам махсус концерт дастурлари ва миллий таомлар кўргазмаларини тайёрлайдилар.

Яхудийлар соғликни саклаш, халк таълими, маиший хизмат ва бошка сохаларда мехнат килиб, обру-эътибор топмоқдалар. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина бухоролик яхудийлардан уч киши — 36-мактаб директори Роман Тамаев, вилоят болалар юкумли касалликлар шифохонасининг бўлим мудири Рахмин Якубовга «Дўстлик» ордени, вилоят эндокринология диспансери бўлим мудири Алексей Кайлаковга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган согликни саклаш ходими» фахрий унвонининг берилгани улар мехнатининг муносиб қадрланаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон — бизнинг Ватанимиз. Шу боис, биз унинг равнақи, тинчлик ва осойишталиги йўлида бор куч-гайратимизни аямаймиз. Биз уни янада баркамол бўлишини, унда истикомат килаётган барча халклар якдил, хамфикр бўлишларини истаймиз. Ва шундай бўла-

Бухородаги рус, корейс, татар, арман ва бошқа миллат вакилларини бирлаштирган марказлар хам Узбекистонни ўзининг Ватани деб билган кишилар куч-ғайратини, меҳнат шижоатини истиклолни мустахкамлашга, иктисодий-ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга, маънавият ва маърифатни юксалтиришга, миллий қадриятларни, умрбокий урф-одатларни эъзозлашга, келажаги буюк давлатимизга муносиб ёш авлодни камол топтиришга ва уларни ягона миллий мафкура остида бирлаштиришга сафарбар этмокдалар. Узини ягона оила — Узбекистон фарзанди деб атаётган бу кишиларнинг орзу-умидлари ва ниятлари хам битта: миллатлараро дўстлик ва тотувлик карор топган мустакил юртимиз осмонида хамиша тинчлик куёши порлаб турсин.

Материалларни **Киёмиддин НАЗАРОВ** ва «Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВ уюштирди.

MEH OBOD HOPHI ФАРЗАНДИМАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, яқинда «Жаҳонгир Мир-30» номли янги тарихий романимга нуқта қўйдим... Буларни келтиришимдан мақсад – уларнинг шу ўтган тўккиз йил ичида амалга ошганини таъкидлаш эли. Мустакиллигимиз мени эркин нафас олиш бахтига муяссар қилди, бунга шукрлар булсин дейман. Бўлиб ўтган қувончли вокеа-

лардан бири 1996 йилда Аме-

рика Кўшма Штатларида юз берди. Вашингтон университети профессори, Ўзбекистон Миллий университети Фахрий доктори Илзахоним Сиртаутас ташаббуси билан Вашингтон университетида «Амир Темур ойлиги» ўтказилди, ойлик Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланди. Қар жума куни Сохибкирон хакида маърузалар тингланди, энг мухими, уларда Амир Темур хакида бор хакикатлар рўй-рост айтилди. Маърузалар ичида профессор Сиртаутаснинг «Амир Темур Fарб манбаларида», Мюнхен университети профессори Кавомиддин Барлоснинг «Амир Темур қабиласи. Барлослар» каби чикишлари катта қизиқиш уйготди. Мен «Сохибкирон тарихий ва бадиий адабиётда» мавзуида маъруза килдим.

Ватанимизнинг келажаги ва олий мақсадлари нуқтаи назаридан қараганда, бугунги ишларимдан сира кўнглим тўлмайди. Холбуки, пешонани тангиб рохат билан мехнат қиладиган кунлар келди. Булар ижодий ишлар маъносида. Энди бевосита фаолият кўрсатаётганим Халқаро «Олтин Мерос» хайрия жамгармаси хакида. Жамгарма олтин меросимизни асраб-авайлаш ва уни дунёга танитиш билан шуғулланади. Тўгри, айрим ишлар амалга оширилган булса хам (етти серияли «Хаким ат-Термизий» видеофильмининг суратга олиниши, «Муножот» миллий мумтоз ракс ансамблининг хорижга — Туркияга илк бор сафари ва х.к./ жамғарма ҳали ўз макомига яраша фаолият кўрсата олгани йўқ. Бу ерда хам тинимсиз изланиш, тер тўкиш керак бўлади.

3. Дехкон, одатда, аввал ба-хор пайкалга ишлов бериб, парвариш килиб сидкидил тер тўкади. У ёзда унумли хосил кутишга ҳақли. Назаримда, мамлакатимиз ана шу дехконнинг яхши ишлов берилган пайкалига ўхшайди. Истиклолимиз бахорида иктисодиёт сохасида, маънавий хаётда ажойиб режалар белгиланди, уларнинг самараларини кўраётирмиз хам. Менимча, Ўзбекистонимизнинг нуфузини янада ошириш учун кўпрок маънавият масалаларига эътибор бериш керак. Қорин очлигини бартараф этиш осон, аммо маънавий очликдан Худо асрасин. Шу сабабдан хам, маънавият бобида Президентимиз олдимизга қўяётган муаммоларни изчиллик билан ҳал этиш, иж-

химдир. Шу маънода, бир орзуимни айтиб ўтмокчиман. Улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг кутлуг кунлари келмокда, бунга Президентимиз диккатни каратганлари бежиз эмас. Тўгри, хазратнинг кўп асарлари жахон тилларига таржима килинган ўз вактида... Шоирнинг икки юз машхур ғазалини танлаб, муносиб таржимонларни чорлаб жахоннинг барча нуфузли тилларига таржима килдиришимиз ва уни элчихоналаримиз оркали мамлакатларга тарқатишимиз керак. Зеро, озод юрт фарзанди салохиятини жахон кўриб қўйсин Халқимизнинг бошқа улуғ фарзандлари ижодига хам худди шундай ёндашишимиз керак. Бу давр такозосидир.

Яна бир мухим гап хакида айтмай ўтолмайман. Президентимиз комил ишонч билан жамиятимизда Эркинлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш кераклигини бизларга уктирмокда. Сиёсий бошкарувда ва иктисодий ҳаётда, маънавиятда эркинлаштириш холлари юз бермокда. Бу ажойиб ходиса! Назаримда, Эркин ва Мустақил фикр ташаббуси билан чикувчиларга кенгрок йўл очишимиз, уларга қўл чўзишимиз ло зим, майли, фикрлар айтилсин. Улар мухокамага куйилсин, синовлардан ўтган фикр эса жамиятимизнинг ривожига, шубхасиз, ижобий таъсир этади, деб ўйлайман

КИШЛОК ХЎЖАЛИК МАХСУЛОТЛАРИ — **ХОРИЖГА**



Олтинсой туманида ислохотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигига саноатни олиб киришга алохида ахамият берилмокда. Бу борада хайрли ишлар бугун ўз самарасини бера бошлади. Буни Италия технологияси билан жихозланган мева-

сабзавотларни куритиш хиссадорлик жамияти мисолида яккол кўриш мумкин. Мазкур корхона 24 турдаги қишлоқ хўжалик махсулотларини бир кунда 60 тоннагача куритиш қувватига эга. Айни пайтда хиссадорлик жамияти қуритилган мева-сабзавот



махсулотларини Болтик бўйи республикаларига, Козогистон, Россия, Чехия каби давлатларга жўнатмоқда.

СУРАТЛАРДА: хиссадорлик жамияти раиси Анваржон Ахмедов (ўртада) ишчи Музаффар Тўрабоев ва Фарходжон Каримовлар билан; цехнинг умумий кўриниши.

Тохиржон ХАМРОКУЛОВ олган суратлар.

УИ-ЖОЙ ШИРКАТИ

У ахоли манфаатини кўзлайди

«Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганига ҳам роппа-роса бир йил бўлди. Хүш, утган давр мобайнида бу борада кандай ишлар амалга оширилди? Коммунал хизмат курсатиш тизимидаги ислохотлар қандай бораяпти? Шулар билан якиндан танишиш максадида Сиргали туманининг 7мавзесида ташкил этилган «Жахонаро гулдаста» ширкати-

да бўлдик. Мазкур ширкат 1999 йилнинг сентябрида таъсис мажлис карори билан ташкил топган. Унинг тасарруфида 5 та 9 қаватли ва 2 та 5 қаватли турар-жой бинолари булиб, йигирма икки минг икки квадрат метр умумий турар-жой майдонига эга. Ширкат таркибидаги 328 та хонадонда 940 киши истикомат килади. Бу хонадонларнинг эгалари ширкат аьзолари хисобланиб, улар муддатсиз шартнома тузишган. Унга асосан ширкат коммунал ва эксплуатация хизматларини ўз вактида ва сифатли бажарса, аъзолар хизмат хакини муддатидан кечиктирмай тулаб куйишлари лозим.

- Ширкатимиз юридик

шахсдир, — дейди биз билан сухбатда бошкарув раиси Суннатилла Усмонов. — У ўз номи ёзилган мухрга, банк муассасасида хисоб-китоб варагига эга. Касбим энергетик бўлганлиги учун ишни бошлашга унчалик кийналмадим. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ширкат аъзолари, яъни шу жойда яшовчи кўни-кўшниларим менга ишонч билдиришиб, бошкарув раислигига сайлашди. Ширкат тузилиши биланок худудни ободонлаштириш ва уй йўлакларини таъмирлашга киришдик. Бунга ширкат хисобидан 292 минг сўм маблаг ажратилди. Бундан ташқари, худуддаги ноконуний курилмаларнинг бузилиши, атрофнинг кўкаламзорлаштирилиши, арикларнинг тозаланиши хашар йўли билан амалга оширилди. Натижада арикларда доимий сув окадиган булди. Болалар майдончаси қайтадан таъмирланиб, атрофига манзарали дарахтлар экилди. Бу ишларнинг барчаси ширкат аъзолари билан биргаликда амалга оширилди. «Жахонаро гулласта» ширкати тузилганида

ахолининг «ЖЭК»дан қарзи 1 миллион 700 минг сумни ташкил этарди. Ахоли ўртасида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида улар қарзларини тўлиқ узишди. Кўпқаватли уйларда яшовчи ахоли, яъни аъзоларимиз бу ердаги хар бир нарса ширкат аъзосиники, у авайлаб-асралса ўзига хам фойда эканлигини тушуниб етишди. Илгаригидай давлатники, томдан чакка ўтса ё йўлакларни таъмирлаш лозим бўлса, «ЖЭК» килиб беради, де-



ган тушунчалар бархам топмокда. Энг мухими, бу тизимда тежамкорликка эришиш керак.

Биз сухбат давомида ширкатнинг иктисодий кўрсаткичлари билан кизикдик. Маълум бўлишича, ширкат тузилмасидан олдин йўлаклар ва лифтлардаги чирокларнинг истеъмоли учун ойига 84 минг тўланган бўлса, хозирги кунда бу ракам 18 минг сумни ташкил этаяпти. Бундай натижаларга ҳар бир уйга марказлашган қолда электр ва сув хисоблагичлар ўрнатилганлиги боис эришилди

Ширкат бошқарувида саккиз киши — бошкарув раиси, бош хисобчи, уста, уч сантехник, бир нафар пайвандчи ва фаррош маош олиб ишлайди. Бундан ташқари, ҳар бир уйдан жамоатчи сифатида биттадан бошқарув аъзоси ва уч кишидан иборат гафтиш комиссияси сайланган Тафтиш комиссияси ширкатнинг молия-хужалик фаолиятини назорат қилиб боради, йил якуни бўйича ширкат бошқаруви тафтиш комиссиясига хисобот беради. Ширкат нотижорат муассаса бўлганлиги учун соликдан озод килинган.

- Хозирги кунда бундай ширкатларни тузиш жуда фойдали бўларди, — дея таъкидлади Суннатилла Усмонов. - Чунки, «ЖЭК»ларда уй-жойдан фойдаланиш харажати 9 қаватли уйларда хар бир метр квадратига 33 сўм бўлса, бизда умумий мажлиснинг қарори билан 25 сўм килиб белгиланди. Уларда эксплуатация харажатлари бир ойда 4 хонали хонадон учун 3037 сўмга тўгри келса, ширкатда 2259 сўмни ташкил этади. Энди ўзингиз хисоблаб кўраверинг кайси бири ахоли учун фойда-

Энг мухими, ширкат ахолидан, аникроги, аъзолардан тушган буюртмаларни зудлик билан ва сифатли бажариб беради. Аниклик киритиш лозимки, ширкатлар умумфойдаланадиган жойларни, худудларни ўз хисобидан таъмирлайди, зарур жихозлар билан хам таминлайди. Хусусийлаштирилган хонадонларнинг ичида буладиган буюртмалар учун алохида, келишилган нархда хисоб-китоб қилинади.

Шунинг учун хам уй-жой мулкдорларининг ширкати тузилган жойларда мулкка эга лик килиш хисси ортиб бормокда.

Уйимиз ширкат тасарруфига ўтганидан сўнг, худуди миз анча обод бўлди, кўкалам-зорлаштирилди. Йўлаклар окланиб, чироклар ўрнатилди. Айникса, хар ойги коммунал тўловлар учун кетадиган вақтимиз тежалмокда. Чунки тўловларни ширкатнинг ўзига тўлаймиз, — дейди 65-уй, 18хонадонда яшовчи Гулчехра Музропова.

— Тўппа-тўгри, — дея сух-батга кўшилди 64-уйнинг 1-хо-надони сохибаси Феруза Foфурова. - Хозир бизда, йўлакларни факат фаррош супуриши керак, деган тушунча бутунлай йўқолган. Аёлларимиз доимо худудимиз саранжомсаришталиги ўзимизга боглик эканлигини тушуниб етишди. Куриб турганингиздек, хаммаёқ озода, ҳавас қилса арзигу-

Пойтахтимизнинг Сиргали туманидаги «Жахонаро гулдаста» каби ширкат ишларини, на заримда, кенгрок таргиб қилиш, улар сонини янада ошириш лозим. Айни кунда туманда саккизта ана шундай ширкат фаолият кўрсатаяпти. Бу куп хам, оз хам эмас. Шир-— хозирги кун талабига тўла жавоб берадиган муассасага айланиб бораётганлиги қувонарли қолдир. Шундай экан, коммунал хизмат курсатиш идоралари ва бошка юқори ташкилотлар улардан турли хил хисоботу хужжатлар талаб килиш ўрнига, имкон борича ёрдам курсатишса, шахримиз ахолиси бундай кулайликлардан тезрок бахраманд

булишарди. **Қобилжон ШОКИРОВ.**

ХОСИЛ ЧЎГИ МЎЛ



Янгийўл тумани пиллакорлари 2250 қути ипак қуртини агротехника қоидалари асосида парваришлаб, мул хосил етиштирдилар. Айни кунларда мавжуд 10 та хужаликда пилла терими жадал олиб борилмокда. Қабул пунктига ҳар куни 4,5-5 тонна миқдорида юқори нав саноат хомашёси топшираяпти. Илгор оилавий пудратчилар эса хозиргача бир қути қурт уруғидан 90 килограммгача хосил олишга

СУРАТЛАРДА: пилла қабул қилиш пункти лабораторияси мудири Мохина Қодирова ва кичик лаборант Мехринисо Эргашева пилла сифатига масъулдирлар; тажрибали пиллакор Комила Жонбирова хосил чўгидан хурсанд.



У ўша куниёк ўзини унутган холда жонажон юртига, ўз жигарг**ўшаларига Ватан согинчига тўла бир хат ёзади:**

Бизлар бугун сургундан бушадик. Уй ва молларни уз бахосига сота билсак, октябрь оёкларина кетамиз. Сота билмасак, бу ерда қишлаймиз.

Рахмат — албатта паспорт олиши билан кетади. У сизларнинг ёнингизда бўлса, бирмунча жоним тинч бўлажак. Соғ бўлинг. Соғликда кўришайлик. Хат ёзинглар, хаммангизга са-

> Марям. 1/1Х-54. **ЎЗССР** Хорезмская область с/совет Чандир кият Султановой. Село Большой Улут, ул. Кирова 38, Султановой"

Хуш, Марям Султонова ким? Нега у сургунда юрган, нима гунохлари учун камалган? Рахмат ким? Нега у хам сургунда юрибди? Куйида биз шу жумбок хат ва унинг эгаси такдири хакида хикоя килмокчимиз.

Марям асли хоразмлик бўлиб, 1905 йил 13 февралда Хивада "Ёш хиваликлар" харакатининг фаол иштирокчиларидан маърифатпарвар Мулла Жуманиёз оиласида дунёга

листон" журналида Собира Холдорова, Тожихон Шодиева, Саодат Шамсиева каби ўша даврнинг илгор ўзбек хотин-қиз журналистлари билан бирга ишлай бошлайди. Ўзбек келади. Унинг отаси Мулла Жума- аёлларининг ўтмиши ва хозирги тур-

илм излаб,

ниёз Хива хонлиги тузумига карши курашда иштирок этиб, Хоразм инкилобидан сўнг Хива Халк Республикасининг фаол рахбарларидан бири бўлиб ишлайди ва кейинчалик айрим жохиллар томонидан

Марямхон дастлаб Хивада ўзбек, татар зиёлилари томонидан очилган янги усул мактабда, сўнг Урганчлаги замонавий мактабларда ўкий бошлайди. Тошкентга келиб, аввал ишчилар факультетида, сўнгра Оренбургдаги Шарқ институтида таълим олади. Хоразм Халқ Республикаси бошкаруви кошидаги хотин-кизлар билан ишлаш бўлимида хизмат килади, аёлларни янги илм ва маърифат нурларидан бахраманд килишга интилади.

Марям 1922 йил кузида ўқиш орзуси билан яна Тошкентга қайтади. Бу сафар Туркистон Республикаси рахбарлари уни бир гурух махаллий ёшлар билан: "Энди бизнинг олдимизда Европа фан-техникасини қувиб етиш ва ўзиб кетиш вазифаси турипти" деган тарғибот билан Германияга ўқишга юборадилар. Марямхон Германиянинг Дармштадт шахрида, ўлкамизнинг маърифати, маданиятини ривожлантириш орзуси йўлида хизмат қилиш каби ниятлар билан илм олади. 1928 йилларда ўқишни муваффакиятли тугатиб, Ўзбекистонга қайтади. Бу ерда у дастлаб Тошкентдаги эски шахар кечки коммунистик университетининг ўкув бўлими мудири, сўнг 1935 йилдан "Гу-

мушидан қатор хикоя ва очерклар ёзади. Рус ва немис классик адабиётининг буюк сиймолари А.С. Пушкин, И. Гётелар ҳақида мақолалар эълон қилади. Уларнинг мазкур миллий адабиётлар тарихидаги ўрни ва ахамияти хакида фикр юритади.

Лекин... Марямхоннинг бу қувонч ва орзулари узокка бормади. Ўзи каби озод-эркин ўзбек хотин-қизлари авлодининг биринчи қалдирғочи бўлган адиба, шоира дугоналари қатори 30-йилларда тоталитар тузум авжига чиккан бир пайтда шахсга сигиниш даврининг конли исканжасига тушиб, қанотлари қайрилди. 1937 йил кузида тўсатдан "немис жосуси", "фашизм тарафдори" сифатида айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига хукм этилди. 1947 йил қамоқ жазоси тугаб, Хоразмга қайтганда орадан кўп ўтмай, 1949 йили яна қамалди. Бу сафар энди уни Берлинда бўлган вақтда қандайдир аксилинкилобий миллатчилик ташкилоти бўлган "Озод Туркистон" билан шубҳали алоқалари, Тошкентга келгач, матбуотда миллатчилик фикрларини ўтказганлиги, дугонаси Хайринисо билан Парижга борганда Мустафо Чўқаев билан учрашганлиги каби айблар юзасидан сўрок килинади. Марям Султонова Сталин вафотидан сўнг расман оқланса хам эски тамға таъсири остидаги шубҳа ва гумонлардан тамомила қутилолмайди. Шунинг учун ҳам у кейинчалик бу ҳақда шикоят қилиб, СССР бош прокурорига мурожаат қилади. Унда Марямхон 1937 йилда тухмат-

леб ёзган эди:

1947 йилда жазо муддатини ўтаб

кайтгач, 1949 йил яна эски айб би-

лан айбланиб, Красноярск ўлкасига

сургун қилинганлиги, унинг ҳеч қан-

дай айби йўклиги ва давр сиёсати-

нинг бегунох курбони бўлганлигини,

терговчиларнинг бу борадаги ўта

адолатсизликларига тўхтаб, шундай

"Мени уюшган жиноятчиликда айблашди. Мени улардан алохида ажратиб, гувохларсиз суд килишди. Агар менга күйилган айбларда заррача ҳақиқат бўлса, очиқ намунали суд қилишлари керак эди, деб ўйлайман. Бундан ташқари, тергов пайтида хам, судланув вактимда хам буни қатъий туриб талаб қилганимда, менга: "Буни сизга фойдаси йўқ, чунки масала олдиндан тайёрланган бўлиб, саволларни фақат НКВД ходимлари беришади, сиз бўлмаган эди деган айбларингизга гувохлар бўлган эди" дейишади, аниклик киритиш ва тушунтириб ўтиришга эса рухсат этилмайди. Менинг Нега хеч қандай далилсиз, фақат туҳмат ва ёлгонларга асосланиб, бадном қилмокчи бўласизлар?", деган саволимга терговчи очик килиб: "Мен Ватан топширигини бажараман", — деди. "Агар сиз яна ўжарлик қилаверсангиз, гўдагингизни тортиб олиб, сиз билан бошкача гаплашамиз" - деганидан кейин, бирор жиноят килганлигим ёки килмаганлигимнинг хам хеч кимга қизиғи йўқлиги, ҳаммахаммаси менга аён бўлди ва сўнг улар мендан нимани хохлаган бўлсалар, хаммасига кул куйдим"

Марям Султонова мазкур аризасида нохак тухматлар, адолатсиз айб ва хукмлар остида 20 йиллаб бегу-

нох қора тамға остида юриб келаётганлигини, бу нохакликлар факат унинг ўзигагина эмас, бутун авлодлари, оила аъзолари, болаларини дахшатли холга қўяётганлигини афсус ва надомат билан ёзади. 30-40 йиллардаги қонунчиликнинг бузилиши натижасида унинг бўйнига осил-

ган қора тамғани хаётининг сўнгги

дамларида унинг буйнидан олиб

ташлаб, ҳеч бўлмаса, бу қора доғ-

Истиклолни орзу килганлар

лар унинг фарзандлари бўйнида хам осилиб қолмаслигини ўтиниб сўрай-Менинг виждоним пок. Менинг ягона хатом, у хам бўлса, Германияга ўкишга кетишга розилик билдирганим... Агар шу "машъум хатом"

бўлмаганда, такдирим хам тамоман

Тошкент шахар Олой бозори якинидаги Уездная кўча 13-уйдан эрта тонгда икки харбий кийимли киши келиб, тўсатдан қўлларида 5-6 ойлик чақалоқ вақтимда онамни, мен билан бирга ҳайдаб қамоққа олиб кетишган. Онам 1947 йил биринчи мартда қамоқдан чиқканларидан кейин хам ёруг кун кўрмадик. (Бунга қадар мен аммамлар қўлида, акам Пўлатбек Ахмадбеков аввал етимхонада, сўнг холам Гулчехра қўлида онага зор бўлиб яшадик. Чунки у вақтда Гулчехра холамнинг эрлари таникли адабиётшунос олим Рахмат Мажидий ҳам "халқ душмани" сифатида тухматга учраб, қамалиб узоқ сургунда эдилар). Укам Омон Сул-

тонов эса сургунда туғилиб, сур-

нур излаб

бошқача бўларди ва мен бугунгидай бахтсиз одам бўлиб ўтирмасдим. Мен адолатсиз кечган ишлардан нихоятда азобланмокдаман. Бу қалбаки тухматлардан қарийб 20 йиллар давомида факат менинггина эмас, менинг болаларим, опа-сингилларим ва онам ҳам азоб тортдилар, ҳамон азоб тортиб келмокдалар. Шунинг учун сиздан менинг ишимни қайта кўришингизни ва гунохсиз-гунохларимдан қутқаришингизни сўрайман".

Шундан сўнг 1957 йил 23 сентябрида унинг бегунохлиги, жиноятчи бўлмаганлиги хакида расмий оклов қоғози келади.

Адолат қисман бўлса-да, тикланди. Марям Султонова умрининг охирларида бир парча қоғозни ҳам олади. Она шахри Урганчда яшаб, ишлай бошлайди. Лекин бунгача 10-15 йиллаб оғир совуқ қамоқхоналарда, узок Красноярск ўлкасининг кахратон киш пайтларида ўрмонларда ўзига ўхшаган минглаб бегунох махбуслар билан кечирган азобукубатли, тахкирли кунлари-чи? Унинг ортида йиглаб қолган ўгли Пўлатбек, кизи Анорхонларнинг ахволи не кечди? Эри жахолатпарастлар томонидан ёвузларча ўлдирилиб, қариган чоғида мункайиб қолган **УНИНГ МУШТИПАР. МУНГЛИГ ОНАЙИЗО**ри-чи?! Улар не хавфу хатарлар, азоб ва укубатлар, камситишларни бошдан кечирмади дейсиз?

"Онамнинг айтишларича, - деб хотирлайди бу ҳақда унинг қизи Анорхон Давронова изтироб билан. — 1937 йил 30 августида хозирги

гунда ўсди. Мен 1954 йил Тош-МИда ўкиб "Малик" совхозида пахта териб юрган куз кунларининг бирида, онам сўнгги сургундан кайтиб, мени излаб пахта даласига келдилар. Ўша вақтда санитария-гигиена бўлими рахбарлари хатто нохак етти йил камокда бўлиб қайтган онам билан бирикки кун уйга бориб келишга рухсат беришмади ва шу ерда бир кечани тонггача ухламай ўтказдик. Эртаси онам Урганчга, мен эса пахта даласига кайтдим. Онам умрининг охиригача ўша ўзи тугилган қишлоғи Урганч шаҳар, Чандир қият қишлогида, ўз севган сохадан узок бўлган тамомила бошқа бир касбда ишлашга мажбур бўлиб, тургунлик йилларида орзуармонлари ушалмай оламдан ўтиб кетдилар. Қамоқдан қайтганларидан кейин хам Тошкентда яшаш ва ишлашга рухсат беришмади. Ўкиш гувохномалари хам НКВД ходимлари томонидан тортиб олиниб, қайтарилмаган эди. Биз ҳар йили болаларимиз билан унинг Урганчдаги қабрини зиёрат қилиб қайтамиз. Укам Омон Султонов ўша ерда мактабда тарих ўкитувчиси. У онам ёққан маърифат чирогини ўчирмай, юртдошлари фарзандларига хормай-толмай таълим ва тарбия бериб келмокда. Узбекистон мустакиллигидан кейин бу чирок яна хам ёркинрок ва ёругрок

Шерали ТУРДИЕВ.

VNCAUTEA TEACDUSAN

«Замин» давлат-акциядорлик ипотека банкидан 230 нафар мижоз истеъмол буюмлари харид қилиш учун 30 миллион сўмлик карз олди. Уларнинг хаммаси ана шу маблағ эвазига турли-туман маиший техника: телевизорлар, видеомагнитафонлар, мусикий марказлар, совутгичлар, кир ювиш машиналари, чангюткичлар, шунингдек, мебель гарнитураларини харид қилдилар.

«Замин-банк» хизмат кўрсатишнинг ушбу янги турини жорий этганига эндигина олти ойдан сал кўпрок вакт ўтган бўлсада, унинг мижозлар орасидаги обрўси кун сайин ошиб бормокда. Негаки, хизматнинг мазкур хили олди-сотди иштирокчиларининг хаммаси учун хам фойдали эканлигини қарз беришнинг шу тури ташаббускори, «Заминбанк» стратегия ва маркетинг бўлимининг бошлиги Руслан Измайлов «Туркистон-пресс» мухбири билан сухбатда куйидагича ифодалади:

Биз бундан анча илгарирок истеъмол молларининг кредитлаштирилиши, ортикча когозбозликларсиз уни расмийлаштириш дастакларини ишлаб чиққандик. Банк қошида намойиш зали очилиб, унда «Панасоник», «Шарп», «Фунай», «LG»,

«ДЭУ», «Самсунг», «Орион», «Шиваки», «Супра» каби дунёдаги энг машхур фирмаларнинг товарлари қўйилди. Борди-ю, харидор бошка русум ва фирманинг

AUKKam: SHEUNUK!

товарини харид қилиш истагини билдирса, у холда шу хусусда буюртма бериши мумкин. Бинобарин, махсулот сотувчи ташкилотнинг мол айланмаси купаяди. Бундан биз хам наф кўрамиз: мижозларимиз сони ошади, фойда оламиз. Нихоят, истеъмолчи гаров таъминотисиз ўзи танлаган товарни дархол олиб кетади. Бир йилдан уч йилгача муддат бадалида унинг хакини тулайди.

Истеъмол кредитининг асосий шарти топширик берувчи ташкилотнинг илтимосномасидир. Қоидага кўра, бу ташкилот товарни қарзга олувчи фукаро мехнат қиладиган, мунтазам даромадга эга бўлган ташкилотдир. Борди-ю кредит қарз олувчи томонидан тўланмай қолса, у холда топширик берувчи ташкилот молиявий жавобгарликни бутунлай ўз зиммасига олади. Яна бир зарур шарт шундан иборатки, бунда ўша ташкилот кредитга товар олувчининг 12 ойлик иш ҳақи тўгрисида маълумотнома беради. Мижоз сотиб олинажак товарнинг 25 фоиз

2000 11111 10 1110111111

«Очиқ эшиклар куни»

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА КУРИЛИШ ИНСТИТУТИДА.

Хамма кафедралар ва лабораторияларда абиту-

риентлар учун касбга йўналтириш, курилишда

иктисодиёт ва тармок менежменти, саноат ва фукаро қурилиши, инженерлик коммуникация тармоклари

бўйича, архитектура ва дизайн сохаларини бугунги куни

ва келажаги хакида тўла маълумотлар берилади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Навоий кўчаси -13.

Маълумот учун телефон 41-11-50, 41-14-13

тўлайди. Банк зарур микдордаги маблагни савдо ташкилотига ўтказгач, мижоз харид килинган товарга эгалик килади. Шундан кейин эса факат банк билан муомалада

булади.

Даврон ДАМХА

Қайд этиб қуйилган микдор бўйича (бунга фоизлар хам киради) карзни ой сайин тулаш учун кулай йўл-йўриклар ишлаб чикдик. Айтмокчи. истеъмол кредитлари бўйича фоиз ставкалари тубандагича: 1 йилга йиллик 36 фоиз, 2 йилга йиллик 38 фоиз, 3 йилга йиллик 40 фоиз. Шуни таъкидламокчиманки. карзни тўлаш жараёнила асосий карзнинг микдори пасаяди ва факат унинг колдик микдоригагина фоиз ёзилади. Бунинг маъноси шуки, карз олувчи амалда кам микдордаги тўловни қайтаради. Тўлов нақд пул тўлаш йўли билан хам, пул ўтказиш йўли билан хам амалга ошири-

лади. Истикболга эга бўлган бундай банк хизмати курсатиш мамлакатимиз пойтахтидан ташкари, Самарканд, Андижон. Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Фаргона каби олти вилоятда жорий этилди. Хадемай республикамизнинг қолған вилоятлари ахолиси хам шундай қулайликдан бахраманд булишали.

«Туркистон-пресс».

«COTYBUN НОХАК БЎЛСА...»

(«Халқ сўзи», 2000 йил 21 апрел)

Газетамизда эълон қилинган ушбу танқидий мақола юзасидан «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Ў.Мирпўлатов имзоси билан жавоб хати олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси «Сотувчи нохак бўлса...» сарлавха ли танкидий маколани ўрганиб чикди. У, шунингдек, барча вилоятлар «Матлуботсавдо»

акциядорлик компани рилган бошқарув мажписларида мухокама килиниб, айбдор шах сларга нисбатан тегиш пи чоралар кўрилди.

Жумладан, ахолини 8 турдаги махсулотлар билан таъминлашда йўл қўйган камчиликла ри учун, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятлари «Матлуботсавдо» акционерлик компаниялари раислари ўз лавозимларидан озод этилди.

Куйи Чирчик тумани «Матлуботсавдо» акциядорлик жамияти га қарашли «Дўстободнон» корхонасида ортикча олинган 101 минг сум даромад эса нархарни бошкариш жамармаси хисоб ракамиа ўтказилди. «Узбекбирлашув» ак-

циядорлик компанияси

бошкаруви мажлисла-

рида вилоятлар рах-барларининг жавобгарпик масъулиятини оши риш, ахолини 8 турдаги махсулотлар билан узлукқонунбузарликларга йўл кўймаслик чоралари кўрил-мокда. «Истеъмолчилар тўгрисида»ги Конун талаблатўлиқ бажарилиши эса

назорат остига олинган **Ў. МИРПЎЛАТОВ** «Ўзбекбирлашув» акциядорлик анияси раисинин

Шунингдек, мазкур мақо аға Андижон вилояти «Мат луботсавдо» акциядорлик компанияси бошкаруви ра-иси М.Мажидов хам жавоб хати йўллаган. Унда ёзилишича, мақолада кўрсатилган амчиликлар тасдикланган Хизмат вазифаларига мась-улиятсизлик билан қараган-ликлари, ўлчов асбобларини махсус курикдан ўз вак тида ўтказмаганликлари учун Кўргонтепа тумани улгуржи савдо базаси масъул ходимпарига нисбатан жарима чо ралари қўлланилган, Жалоралари қулланилган, жало-лкудуқ тумани савдо-ишлаб чиқариш хиссадорлик жамиятининг савдо жиҳоз-лари бўйича мутахассиси Т.Йўлдошев эса вазифаси-дан озод этилган.



ABN-AMRO Bank

Best Bank in Uzbekistan



Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

АБН АМРО Банк МБ Узбекистон А.Ж.

2000 йилда

Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб номланди.


Қушма банкимизнинг асосий таъсисчиси — АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи ўтган аср бошидаги Голландия тарихига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

• Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;

• Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эхтиёжидан келиб чиққан холда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаш-


Электрон банк иши ("Банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби махаллий бозор учун мутлақо янги булган банк хизматларини такдим этамиз.

СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.



Бизнинг манзил: Тошкент ш., Х.Олимжон майдони, Гарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-йўлак. Телефон: 120-61-41. Факс: 120-63-67.

Тошкент Архитектура қурилиш институти бош биноси. ABUTYPUBHT - 2000



Алишер Навоий замон жихатидан биздан тобора узоклашмокда. Аммо қалбимизга йилдан-йилга яқинлашмокда. Улуғ шоир: «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам», яъни халқ мени қандай англаб етсинки, мен ўзимни англаёлмайман, деган эди. Бугун ўзбек халқи ўзини топиш, қайта кашф этиш жараёнида Навоийни хам англаб етмокда. Эндиликда Навоийни англаш давримизнинг долзарб масаласи даражасига кўтарилди. Навоий ва халкнинг бахти шундаки, ушбу долзарб вазифани

Мажлиснинг биринчи сессиясида Президент: «Халкимиз Навоийни англаш, унинг тилини тушуниш даражасига қачон кўтарилади?» — деган саволни ўртага ташлади. Бу сўзларнинг тагида катта хикмат бор. Тил - дилнинг калити бўлганидек, Навоий тилини тушуниш - улуг шоир ижодиётининг ўзак-мохиятини англаб етишни билдиради. Навоий ижодини тушуниш мутафаккирнинг улкан меросини ўзлаштиришни, халқ уни ўзлигига сингдиришини англатади. Етук миллий ва умумбашарий гоялар билан йўгрилган ижодни мукаммал ўзлаштириш эса халқ маънавиятининг, шубхасиз, юксак даражага кўтарилишини таъминлайди

Навоий мероси мохиятини факат мактаб ва олий ўкув юртларидагина эмас, балки умумхалк аудиториясида оммавий нашрлар сахифаларида йил давомида изчил ёритиб бориш керак. 1991 йили Навоий таваллудига ти билан «Навоий йили» деб эълон қилинди ва, хакикатан, навоийхонлик, айрим газеталарда булсада, йил мобайнида муттасил давом этди. Албатта, бу яхши натижалар берди. Лекин, бундан кейин Навоий асарлари бирин-кетин 500 ёшга тўлиб келмокда. Буюк беш достондан иборат

«Хамса»нинг 500 йиллиги (1985), тўрт улкан девондан таркиб топган «Хазойин ул-маоний» куллиётининг 500 йиллиги (1998), туркий она тилимиз мустакил ва мукаммал миллий тил сифатида илмийназарий асосланган «Мухокамат ул-лугатайн» асарининг 500 йиллиги (1999) саналари ўтди. Агар хар бир юбилей йилида бу асарлар оммавий равишда изчил ўрганилганида халкимизнинг Навоийни тушуниш даражаси хозиргидан анча юқори кўтарилган бўларди, албатта.

Бу йил Алишер Навоийнинг умри охирида 1500-1501 йилда яратилган йирик насрий асари «Махбуб ул-қулуб» «Кўнгилларнинг севгани» 500

ёшга тўлади. Мана шу тари-

хий сана ҳам байрам сифати-

да нишонланса, ва халкимиз

йил давомида «Махбуб ул-ку-

фаслда бу фикр шундай ифодаланган: «Донишмандлар шохни улуғ, пишқириб оқадиган дарёга; ахолиси ва якинларини эса дарё атрофидаги анхорларга ўхшатадилар. Дарё сувида қандай хосият ва кайфият бўлса, анхорларида хам шу каби кайфият ва хосият бўлади. У аччик бўлса бу аччик. У чучук бўлса - бу чучук. У лойқа бўлса - бу лойқа, у тиниқ бўлса - бу тиниқ». (Тушунарли бўлсин учун биз «Махбуб ул-қулуб»нинг хозирги тилимизга Иноят Махсумов томонидан қилинган табдилидан фойдаландик. Алишер Навоий. Махбул улқулуб. Т. Адабиёт ва санъат. 1983). Бу шохнинг фукаро ол-

дидаги бурчдорлигини, фука-

KAHLNVVU

МАУКИ

затлар эвазига халол ризк топадиган, ўзини ва халкини бойитишга харакат қиладиган савдогарлар топила-

«Махбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисмида қатор фазилатлар каторида каноат тўгрисида шундай ажойиб таъриф борки, ундан сабок олса арзийди: «Каноат - бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруги иззат ва шавкат хосилини беради; у бир дарахтдирки, унда қарам бўлмаслик ва хурмат меваси бордир». Дарвоке, каноат - арзон. Каноат фанини ўрганган одам

Асар учинчи кисмидаги танбехлар бири-биридан қимматбахо маънавий дуру гавхарлардир. Хусусан, саховат ва химмат тўгрисидаги танбехда кўнгил мулкини забт этувчи куйидагича мушохадалар мавжуд: «Химмат ахлининг ихтисоси - саховатдир; бу улуг сифат - покиза кишиларга хосдир. Одам - бир бадан бўлса, химмат унинг жонидир; химматлилардан олам ахли учун юз минг шараф ва шукух етишади... Химматсиз одам хазина топса хам буюкларга тенг бўлмас».

Танбехларнинг кўпчилиги шу калар акл-заковат билан битилганки, улар халқ мақоллари даражасида машҳур бўлиб кетган. Масалан: «Чин сўз - мўътабар; яхши сўз - мухтасар» (44-танбех). «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўрганиб - доно бўлур, катра-қатра йигилиб - дарё бўлур»

Асардаги шеърий парчалар насрдаги фикрларни далиллаб, безаб турувчи назмий зийнатлардир. Куйидаги рубоий гоявий-бадиий қуввати жиҳатидан шоир девонларидаги назм гавхарларидан қолишмайдиган оби-

Ахбоб, йигитликни **ганимат тутунгуз**, Узни қарилик мехнатидан кўркутингиз, Ойини адовату

хасаддин ўтунгуз, Хар навъ ила ўзни неча кун овутунгуз. Чин сўз ва уни айтиш

одоби, меъёри хакидаги мана бу мисралар хам харгиз қийматини йўқотмайди: Хирадманд чин

сўздин ўзга демас, Вале бори чин хам дегулик эмас. деса зебо дурур, Неча мухтасар

бўлса, авло дурур. Хуллас, «Махбуб ул-қулуб»ни мутолаа этиш уни кўнгил бисотига айлантиради. Ундаги мазмундор хикматлар кўнгиллар мулкида кенг ўрин

> Нусратулло жумахўжа.

4111011693611911100

очик акциядорлик жамияти

акциядорларининг йиллик умумий йигилиши 2000 йил 7 июлда соат 14.00да Гавхар кўчаси, 124 уйда жойлашган корхона биносида ўтказилади.

1. «Пойафзалчи» ОАЖ бошқарувининг 1999 йилдаги иш фаолияти ва корхонанинг молиявий ахволи буйича ва жамиятнинг 2000 йилги режалари хакидаги хисоботи.

1999 йил бўйича тафтиш комиссияси хисоботини

1999 йилги ташки аудитор хулосасини тасдиклаш. Акционерлик жамияти кузатув кенгашига янги аъзоларни

ОАЖ бошкарувига янги аъзоларни сайлаш.

ОАЖ тафтиш комиссиясига янги аъзоларни сайлаш.

Кузатув кенгаши.

BM AXOHHUH -MAKTA FYA O

ОКСОКОЛЛАР

Республика ўкув-услу-

бий маркази «Кучли дав-

латдан кучли фукаролик

жамиятига ўтиш жараёни-

да оксоколлар кенгашла-

рининг вазифалари» мав-

зуида икки кунлик семи-

нар ўтказди. Унда жиз-

захлик махалла фукаро-

лар йигини раислари, ма-

халла оксоколлари мала-

касини ошириши асосий

максад килиб куйилди.

Узбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Демокра-

тик институтлар, нодавлат

ташкилотлар ва фукаро-

ларнинг ўзини-ўзи бош-

кариш органлари кумита-

си раиси А. Саидов маъ-

руза билан чикди. Шунин-

гдек, виждон эркинлиги ва

диний муносабатлар,

ахолининг маънавий-ру-

хий камолини шаклланти

риш масалаларига доир

маъруза хам тингланди

Семинар иштирокчилари

пойтахтдаги Чигатой-

Оқтепа махалласида йўлга

қўйилган хўжалик юритиш

жабхаси билан яқиндан

танишдилар хамда бу

«Туркистон-пресс»

тажриба

йўналишда

ўргандилар.



Озодахон Ахмадалиева ўтган йили хайрли ишга қўл урди. Бир вақтлар ўзи асос солган кичкинтойлар масканини богча-мактаб муассасига айлантирди. Хозир бу қутлуғ даргохда Янгиқўргон туманидаги «Заркент» ширкат хужалиги мехнаткашларининг 125 ўғил-қизи хам тарбия, хам билим олмоқда. Улардан 25 нафари тайёрлов гурухига қатнайди. 75 нафари эса бошланғич таълим доирасидаги дастур

буйича 4-синфгача укийди. Шу асно иктисод ва чет тили фанини чуқур ўзлаштиради. Сўнгра бөлакайлар иқтидорларига қараб, турли лицейларда илм олишни давом эттирадилар. Богча-мактабнинг Сайёрахон Рахмонова, Тўпахон Қаххорова, Муқаддас Урмонова сингари тарбиячи ва ўқитувчилари қишлоқдаги 31-ўрта мактаб хамда нафосат ва тиллар лицейи билан ўзаро хамкорликда иш юритмоқдалар.

Т. МАХКАМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

2000 йилда кундузги аспирантурага

«ИЖТИМОИЙ ВА ИКТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРДА БОШКАРУВ (ТЕХНИКА ФАНЛАРИ)»

мутахассислиги бўйича қабул килиш тўгрисида

эълон килади.

Хужжатлар 2000 йил 1 октябреача қабул қилинади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700047, Тошкент ш., Тўйтепа (собиқ Ю. Фучик) кўчаси, 2а уй. Телефон: 132-00-17, факс: 133-45-56.

«MS FOOD PROCESSING Co» KŸIIIMA KOPXOHACU AKUNAOPAAPU AHKKATUTA!

2000 йил 9 июн куни соат 10.00 да Фаргона шахри, ал-Фарғоний кўчаси, 112-уйда, қўшма корхона (Консерва заводи) биносида Очик турдаги акциядорлик жамияти «MS FOOD PROCESSING CO» Ўзбекистон-Саудия Арабистони қушма корхонаси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади:

5 1. «MS FOOD PROCESSING Co» қушма корхонаси уставига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида. Кўшма корхона Бошқаруви раиси ва бошқаруви

таркибини тасдиклаш. Хар хил масалалар.

Кузацув кенгаши.

МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

унга ўхшашлиги тўгрисида»ги

Ахолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш максадида Тошкент шахар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси мухим тадбирларни кўрмокда. Шахар электр транспорти ишида руй бериб турган узилишларни бартараф этиш ва уни тартибга солиш билан

«тарафдор»)

бевосита шуғулланувчи мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга куйишга киришилди. Тошкент темириўл транспорти мухандислари институтида «Шахар электр транспорти» булими ташкил топди. Укув жараёнларини амалга оширишга хизмат киладиган янги дарслик ва кулланмалар тайёрлашга киришилди. Олий ўкув юртининг доценти Х.Нурхўжаевнинг «Шахар электр транспортини ишлатиш асослари» китоби босилиб чикди. Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги уни ўкув адабиёти сифатида тавсия

Акбар АЛИЕВ.

Биринчи даражали

САЛОНИ

Элтиб бериш ва йигиш — бепул.

Манзилимиз: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 5.

Халқлар дустлиги. по мевель . салови Пирк

Премикслар уй хайвонларининг соглигини, хосилдорлигини юксалтиришта ва озукаларини сезиларли даражада тежашта мулжаллантан.







ZOOMING - чучкаларнинг премикси, ёш чўчкаларда вазн 30-35%га ортишини таъминлайди.

Ушбу махсулотларни факат ишлаб чикарувчидан ёки диллерлардан гувохномасини талаб қилған холда харид қилинг.

700MXB — паррандаларнинг премикси, ортишини ва тухум кўювчи товукларда тухумдорлик 20-25%га ошишини

Махсулотларимизни сотив олинг! Даромадингиз ошишига кафолат берамиз!

Ишлаб чиқарувчи: VETIL FARMA Ltd. Манзил: Тошкент ш., А. Қодирий к., 7 уй, 514 хона.

Узбекистон Миллий ахборот пентлигининг Жиззах ва Сирдар вилояти буйича фотомухбири Бахром Тўраевга отаси Абдухолик ТЎРАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. Узбекистон Телерадиокомпания Œ

эшиттиришлар бошқармаси «Осиё» бош мухарририяти мухаррири Зум-Турсун БОСАКОВнинг вафот этганлиги муносабати би

ан чуқур таъзия изҳор этади. Жахон иктисодиёти ва диплома

тия университети жамоаси кугубхо на директори Ирина Климитенког Евдокия Ефимовиа БУГАКОВАнинг лан чукур таъзия билдиради.

Узбекистон телевидениеси жамо аси «Дўстлик» бош мухарририяти бўлим мудири Шарофат Эрматовага

Жура ЭРМАТОВиинг вафот этганлиги муносабати би

ан чуқур таъзия изхор этади. Тошкент Давлат Иктисодиёт Уни

кур таъзия изхор этадилар.

верситети жамоаси «Агробизнес» ка Усмон МАХМАДИЕВнинг вафот этганлиги муносабати би-лан мархумнинг оила аъзоларига чу-

МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси -----

«ХАЛК СЎЗИ»

«НАРОДНОЕ ОЛОВО»

Бош мухаррир: Аббосхон **УСМОНОВ**

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб «Халқ сўзи»), м. егоров (масъул котиб

«Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош мухаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),

с. зинин, м. миралимов,

с. мухиддинов, Ш. РИЗАЕВ, м. сафаров,

Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, и. шоғуломов,

О. КАИПБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари — «Народное слово»),

ў. хошимов.

БУЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий хаёт 133-57-34;

136-07-94;

136-36-65; 132-10-65 маърифат -

136-35-60; 136-29-89,

133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар —

132-12-08; Ахборот, спорт ва харбийватанпарварлик

133-78-92: Халқаро хаёт 132-11-15;

133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби

Nº 00001 Буюртма $\Gamma - 516$, 22228 нусхада босилди, хажми — 2 табок. Офсет усулида

босилган. Қоғоз бичими А-2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди хамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОГАЕВ томонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи мухаррир м. сафаров. Навбатчи т. абдурахмонов. Мусаххих A. CATTOPOB.

 манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда хажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул килинмайли.

-

«Шарк» нашриётматбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вакти — 21.00

топширилди - 21.30 1 2 3 4



буйича алохида танбехлар берилган. Учала қисмда ҳам ўрни билан насрий матнларга магзи тўқ шеърлар илова килинган. Китоб «Одил подшохлар тўгрисида»ги фасл билан бошланади. Навоий одил подшох хакидаги таърифида гуе оизнинг замонамиз учун башорат килгандек туюлади: «Адолатли подшох хак таолонинг халойиққа кўрсатган мархаматидир: бундай шох мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир...» Навоий талкинича, шохларга уларнинг фукаролари муносиб бўлади.

«ЎЗКУРИЛИШМАТЕРИАЛСАВЛО» АЖ

АКЦИЯДОРЯАРИ ДИККАТИГА!

1999 йил натижалари бўйича дивидендлар 2000 йил 1 июлдан берилади.

дорларнинг 100% овоз берган,ёки 23561 овоз

Бир дона акцияга тўгри келган

дивиденд микдори 70 сум 70 тийинни

ташкил этади.

Тошкентдаги омборхонадан

Россияда ишлаб чикарилган турли хил

АККУМУЛЯТОРЛАР

ва ЭКСКОВАТОР (ЭО-3323)

Махсулотлар учун

Жамият Кузапув Кенгаши.

сотилади.

кафолат берилади.

Пел/факс: 78-31-11; 78-76-87.

(Умумий мажлисда иштирок этган акция-

асослари ва тамойилларига тааллуқли жуда қизиқарли фикр-мулохазалар хам учрай-

ронинг ўз подшосига нисба-

тан муносиблик масъулияти-

ни оширувчи ҳаётий ҳақиқат-

Асарда бозор иктисодиёти

ди. Жумладан, бугунда ҳам нарх-навони кўтариб юбориб, халққа жабр қилаётган олибсотарлар тоифаси хакида ўкиймиз: «Шахар олибсотари хиёнатчи, ўз фойдасини кўзлаган холда, элга қахатчилик тилайди, унинг максади - элга зиён етказиш, орзуси арзон олиб, киммат сотишдир. У оларда шойини бўз деб камситади; сотарда эса бўзни шойи дея вайсайди. Шолни тўрка (катон деган нафис кимматбахо матодан тикилган кийим) ўрнида ўтказа олишда кечикиш йўқ. Бўйрани кимхоб ўрнида пуллай олишда тўхташ йўқ. Дўконда инсофдан бўлак хамма мато мавжуд; ўз айбига икрорликдан бўлак ноинсофликнинг барча тури кўплаб топилади». Ушбу танкидий мулохазалар нақадар аччиқ бўлмасин, ростгўйлик билан


Аммо, бу гапларнинг чинакам савдогарлар табақасига дахли йўқ. Улар машаққат ва риёзатлар билан халол ризкнасиба топадиларки, Навоий буни ўз ўрнида марокли тасвирлайди: «У (яъни, савдогар) тогларнинг тоши ва дашт-сах роларнинг кумлари устида туя суради: денгиз мавжлари ва сув тошкинларидан фойда ва зарар кўради, халол ризк топаман, деб узок, машаққатли йўлларни босади; у тинч-осойиштагина хаёт кечираётгандек туюлса-да, ичида канчаданканча изтироб ва ташвишла-«Шохга қарам одамларнинг ри бўлади». Бизнинг замон-

дошларимиз орасида хам риё-

МЕБЕЛЬ

Бевосита Италия туркум мебеллар тўплами. Каталоглар асосида буюртмалар қабул қилинади.

Мебель дукони. Тел. (371) 144-27-15.



am

бройлер жужаларида 60-80%га вазн таъминлайди.

Тел: 144-20-12, 144-20-13. Факс: 144-16-94.

200MIX — премикси кора мол, от ва куй-эчкиларга мулжалланган. Премикс бузокларда 20-25% га вази ортишини ва сигирларда 15-29%га сут кўпайишини таъминлайди.